

## Бақара сураси, 174-оят

08:30 / 12.01.2018 3520

**Албатта, Аллоҳ китобда нозил қилган нарсани беркитганлар ва уни озгина баҳога сотганлар - ана ўшалар қоринларига ўт-оловдан бошқа нарсани емаслар, уларга Аллоҳ қиёмат куни гапирмас ва уларни покламас. Уларга аламли азоблар бордир. Бақара 174.**

Уламоларимиз Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, у киши:

«Ушбу оят яҳудийларнинг Каъб ибн Ашраф, Молик ибн Соиф ва Ҳайи ибн Ахтобга ўхшаш бошлиқлари ҳақида нозил бўлган. Улар ўзларига эргашганлардан ҳадялар олар эдилар. Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбар этиб юборилганларидан сўнг мазкур манфаатлардан маҳрум бўлишдан қўрқиб, у киши ҳақидаги ҳақиқатни беркитдилар», – дедилар.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада уларни

**«Албатта, Аллоҳ китобда нозил қилган нарсани беркитганлар ва уни озгина баҳога сотганлар»** деб сифатламоқда.

Демак, яҳудийлар ҳалол-ҳаром ҳақида ҳар қанча сафсата сотсалар ҳам, энг ёмон ҳаромни ўзлари ер эканлар. У ҳам бўлса, Аллоҳ Ўз китобида нозил қилган ҳақиқатни беркитиш эвазига мол-дунё топар, Аллоҳнинг хабарини озгина баҳога сотар эканлар. Аввалги оятларда гап таом ҳақида кетгани учун бу оятда ҳам топган мол-дунёни емоқлик маъносида гапириляпти,

**«...ана ўшалар қоринларига ўт-оловдан бошқа нарсани емаслар...»** – дейиляпти. Уларнинг азоби шу билан тугамайди,

**«...уларга Аллоҳ қиёмат куни гапирмас ва уларни покламас. Уларга аламли азоблар бордир».**

Яъни қиёмат куни Аллоҳ таоло томонидан уларни хурсанд қиладиган гаплар бўлмайди, уларга ҳеч қандай марҳамат қилинмайди. Уларнинг дод-войлари тингланмайди. Яна, қиёмат куни Аллоҳ таоло уларни покламайди, яъни гуноҳларини кечирмайди. Натижада уларга ҳар жиҳатдан азоб бўлади.